



Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

12 февраль, чоршанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 31 (1548)

СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Шахрихон шахрида буюк бобокалонимиз Амир Темур хибони ташкил этилди.

Пахта тозалаш заводининг кўп қаватли муҳташам маданият саройи тўлалигича «Маянавий ва маърифат маркази»га айлантирилган, шаҳардаги барча ташкилотлар ҳаракати билан кўпдан буюн қаровсиз ётган 2 гектарга яқин майдон тозаланиб, текисланди, йулақлар барпо этилиб, манзаралии плахта тошлари ётқизилди. Хибон кўркига-кўрк бағишлаш мақсадида ям-яшил арча, мажнунтол ниҳоллари ўтқазилди.

Халқимизнинг ажойиб удуми — ҳашар номи билан барпо этилган хибонга буюк соҳибқирон йўли берилди.
О. ШОДМОНАТИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТРАСЕКА ЛОЙИҲАСИ -- ҲАМКОРЛИК ВОСИТАСИ

11 февраль куни Тошкентда давлатлараро темир йўл ҳаракатлари жадвали ва тарифлари тизими -- Трасеканинг мувофиқлаштирувчи кўмитаси биринчи учрашувини ўтказди. Учрашувда Марказий Осиё ва Кавказ орти давлатлари темир йўл ҳамда Каспий денгизи кемачилиги тузилмалари ва Трасека лойиҳаси раҳбарлари, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

Европа иттифоқи тасис дастурининг Трасека лойиҳаси бўйича Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Кавказ орти давлатлари темир йўл тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Қора денгиз орқали Европага чиқадиган кулай транзит йўли қурилишини жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Айниқса, Трасека коридоридан унумли фойдаланиш, мазкур лойиҳани амалга оширишда йирик халқаро банклар билан ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов мамлакатимиз билан Европа иттифоқи тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Шу ўринда 1996 йил 21 июнда Флоренцияда Италия Ўзбекистон билан Европа иттифоқи комиссияси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мазкур алоқалар ривожини янги bosқичга кўтарганини айтиш лозим. Трасека лойиҳасининг амалга оширилиши эса бу алоқаларни

янада кенгайтиришга хизмат қилади. Трасека директори Ж. Романни лойиҳани тезроқ ҳаётга жорий этиш учун иштирокчи давлатларнинг ушшоқчилиги ва фаолигини ошириш лозим эканини таъкидлади. Маълумки, тасис дастури ташаббуси билан ташкил этилган Трасека лойиҳасининг бош мақсади Марказий Осиё ва Кавказ орти мамлакатларининг жон иқтисодиёти билан интеграциялашувига кўмаклашидир. Лойиҳа мазкур мамлакатларнинг Қора денгизга чиқадиган транспорт йўллари, хусусан, темир йўл алоқаларини яхшилаш ва ўзаро мувофиқлаштириш асосида амалга оширилади.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими О. Пармонов қатнашди. (ЎЗА).

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Қашқадарё вилоят Гузур туманида қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жорий йилдаги вазифалар мавзусида кўргазмали семинар-кенгаш бўлди. Унда туман ҳокимлари, ҳўжалик раҳбарлари, деҳқончилик-саноат мажмуи мутахассислари қатнашди. Семинар иштирокчилари айрим жамоа ширкат ҳўжалиқларида бу борада амалга оширилётган ишлар билан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими О. Пармонов қатнашди. (ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ «АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.
2. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.
3. Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот кўмитаси Ўзбекистон Республи-

каси Давлат матбуот кўмитаси билан ҳамкорликда умумхалқ муҳокама давомида тушган тақлиф-мулоҳазаларни умумлаштириш ҳамда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасининг маромига етказилган вариантини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.
Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 декабрь.

ДЕҲҚОННИНГ КЎНГЛИ СОВИМАСИН!

Катта умидлар, эзгу мақсадлар билан бошланган иқтисодий ислохотлар қишлоқ ҳўжалик соҳасида, айниқса, қуйи ва ўрта бошқарув бўлимида депсиниб қолаётир...

Нега бундай бўлмоқда? Дўпини бошдан олиб, бир ўйлаб кўрадиган бўлсак, ислохотлар бошлангандан буюн озминача фармон ва ҳукумат қарорлари чиқмади. Афсуски, ислохотларнинг тўла муваффақиятларига йўналтирилган бу фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги туфайли ҳам деҳқон-фермерлик ҳаракати кутилган натижани бермапти. Кўпгина ҳўжалиқларда экин майдонлари, бог ва тоқзорлар деҳқончилик маданиятидан хабари йўқ, ишининг кўзини билмайдиган кишилар қўлига тушиб қолди.

Вазирлар Маҳкамасидаги йиғинда Президент айнан шу масалага бир қатор ойдинлик киритиб, раҳбарлар фаолиятини аниқ баҳо бердики, бу деҳқонларнинг келажак, ислохотларнинг муваффақиятига бўлган ишончини янада оширди.

Қишлоқда ислохотлар янада чуқур илдиз отиши учун, аввало, давлат тасарруфидан чиқарилган мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топиши лозим. Чунки деҳқон-фермерчилик ҳаракатидан, жамоа ва давлат ҳўжалиқларидаги мавжуд «оравачилик» фермерларини ҳусулиштиришдан кўрада тутилган бош мақсад -- қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар моддий маънавиятини таъминлаш ва энг асосийси, қишлоқда кўшимча ишчи ўринларини барпо этишдан иборат эди. Кўпчилик эзгу фермерлар бу талабга дастлабки қўлларданок «лаббай» дея, бел бошлаб киришдилар. Мана бир мисол: Бўка туманидаги «Мустанкил Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида «Дилшод» деҳқон-фермер ҳўжалиги иш бошлаганига бир неча йил бўлди. Дастлабки йил йўлчиқларидек гўшт, сўт етиштириш кескин ошди. Ҳозир оилавий фермерлар 150 бош қўй, 100 бошга яқин қорамол, бир неча бош от парварши қилапти. Уларнинг мақсади тезроқ жамоа ҳўжалигидан ери олиш, кичик қорхона очиб, гўшт-сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех қуриш. Иш шу ерга етганда ҳўжалик ҳамда туман ҳокимлиги раҳбарларининг фермерлар билан гапи чиқишмай қолди.

Мутасадди раҳбарлар «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси, 5-банди талабига зид ҳолда суғориладиган жойдан ер ажратди. Фермер эса, табиийки, бу ерларда экин экиб, озука етиштириб бўлмаслигини рўй-рост айтиб, тақлифни рад қилди. Унинг туман ҳокими номига ер сўраб, қайта-қайта қилган мурожаатлари шу қонуннинг 5-моддаси, 7-банди талабига қарши ўлароқ эътиборсиз қолдирилмоқда. Қонунда белгилангандек, икки ой эмас, иллага, масала ҳал этилмай қўзиб келинапти. Ҳўш энди фермер нима қилсин?..

Еки Бекобод туманидаги Улугбек номи жамоа ҳўжалигида иш бошлаган «Қамолбой» ҳусулий богдорчилик ҳўжалигини олайлик. Бу ерда ҳам тадбиркорни қўлаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш ўрнига турли йўллар билан унга тўсиқлик қилиб келинди. Фермер ҳўжалигининг тегишли ҳўжатлари йиллаб туман ҳокимлигидаги мутасаддиларнинг иш столи тортмасида чанг босиб ётди. «Халқ сўзи»га келган шикоят хати бўйича муҳарририятнинг аралашуви билангина фермерларнинг иши бироқ юришгандай бўлди...

Бугун яна бир гапни очиб айтишимиз, бу борадаги бор ҳақиқатни тан олишимиз керак. Бу -- айрим ташкилот ва идоралар раҳбарларининг деҳқон фермерлар меҳнатига бўлган турларча муносабатини ўзгартириш масаласидир.

Олайлик, бир фермер елиб-юғдириб, бола-бақраси билан меҳнат қилиб, 5-10 тонна сабзавот-полиз маҳсулоти, галла ёки пахта етиштирди. Уни қайси бир ташкилотта тақлиф қилмасин, «Ага, ҳозир сўчда пул йўқ, маҳсулотни жўнатаринг, эрта-инди пул тушади, ўпказиб берамиз», -- дейишади. Деҳқон эса ҳамманяни ўзидек ҳалол, тўғрисида деб ўйлайди ва маҳсулотни ўша «раҳбар»нинг ташкилотига қўйишади. Ҳўша раҳбар бу маҳсулотни нима қилгани ёлғиз ўзига ва худого аён. Лекин ваъда қилинган муддатда ҳам, ундан кейин ҳам, ҳатто, бир йилдан кейин ҳам деҳқон пулни ундириб ололмапти. Жавоб эса бита:

Шокиёр МУТАҲҲАРХОН ўғал,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олтвирек туманидаги Оқубобо-се номи жамоа ҳўжалиги деҳқонлари экин мавсумида ишлатиладиган техника воситаларини таъмирлаб, мавсумга тайёрлаб қўйишди. Рустамжон Мирбойишев туманидаги 25-хўнар-техника билан юртини таъмирлаб, ҳўжалик техника паркда соловчи бўлиб ишлатмоқда.
Суратда: уст. Р. Мирбойишев, Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

АНИҚ АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

Жиззахда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислам Қаримовнинг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган ва Бухоро вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида ўртага қўйган вазифаларни илчил бажариш чора-тадбирларини тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев шу ҳақда маъруза қилди.

Матрузачи ва сўзга чиққанлар бу борада вилоятда ҳозирдаёқ муайян ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Жумладан, саноат қорхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш 1995 йилдаги нисбатан 115,3 фоизни ташкил этди. Элиқ минг тонна чигитни қайта ишлаб, ўсимлик номи олиш имконини берадиган Ўзбекистон -- Буюк Британия «Жибре» қўшма қорхонаси, ҳар йили салкам юз тонна ипак то-

Жумладан, ўтган йили режадаги 257 минг тонна ўрнига 139 минг тонна пахта сотилди, холос. Ҳосилдорлик бор-йўғи ўртача 12,6 центнерни ташкил этди.

Бунинг сабаби нимада? Ер, сув, иқлим шароити, меҳнат ресурслари, шунингдек, техника ва ўнг етказиб бериш тенг даражада бўлган туман, ҳўжалик ва бригадаларда натижалар нега турлича? Сессияда жойларда топширилган ишга янги чигандашув, ташкилотчилик ва ташаббускорлик етишмаётганига эътибор қаратилди. Эндиликда барча соҳаларда ишлар аниқ дастурлар асосида бажарилмоғи даркор. (ЎЗА).

САТРАЛДАРДА ЮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

НОГИРОНЛАР ТЎҒРИСИДА ФАМХЎРЛАР

Тошкент шаҳар Сирғали тумани ҳокимлиги ва «Автотеххимат» қорхонаси «Умид» ногиронлар саломамлигини тиклаш республика марказига «Дамас» антомибли сова қилди. «Электромаш» заводи маркаста санаторий-профилакторий биносини бўшатиб берди. «Автотеххимат» эса яқинда дори-дармон ва озиқовқат учун 200 минг сўм ўтказди. «Ортопедик» ва «Ило» фирмалари қорғийнинг янада кенгайтириши мўжлашмоқда. Янги илмий маркастинг мақсади -- Ўзбекистон халқларининг маънавий ва маданий мероси, Хива ва Бухорода яшаб ўтган буюк аждодларимиз фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, бу ердаги ноёб тарихий обидаларни таъмирлаш ишларини амалга оширишдан иборат. Марказ воғга етаётган ёшлар орасида ватанимиз тарихини кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, энг яхши халқ анъаналари ва урф-одатларини тиклаш ишларини амалга оширади.

ЁШЛАР АЖДОДЛАР МЕРОСINI ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жамағатаси қошида Бухоро ва Хива тарихини ўрганивчи республика маркази ташкил этилди. Ёш тарихчилар машҳур тарихий олимлар ёрдамида бу йил ЮНЕСКО қарори билан жаҳон бўйлаб 2500 йиллиги нишонланадиган бу икки қадимий шаҳар тарихини ўрганиш ва тадқиқ қилишни янада кенгайтириши мўжлашмоқда.

ТАЯНЧ НАМУНА МАКТАБИ

Гулистон шаҳридаги 5-мактабнинг норасмий мактаби бундан буюн энг юқори даражада кўтариладиган бўлди. У замонавий жиҳозларга, жаҳон андозасидаги техника, таълим воситалари ва ўқув қуролларига эга бўлди. Ушбу таянч-намуна мактабиде ўқувчиларга таълим-тарбия берилибгина қолмасдан, мураббийлар малакасини оширади, бўлажақ ўқитувчилар иш ўрганишади. Мактабда шу вақтгача самарасиз ишлаётган ота-оналар кўмитаси ўрнига оталиқ ташкилотлар кенгаши тузилганлиги туфайлигина юқоридагидек катта мақсадга қўл уриш мумкин бўлди.



СУРАТДА: Самарқанд туманидаги чинни заводи ишчилари Н. Нарзиқуллова ва М. Ҳайдарова Р. ШАГАЕВ олган сурат.

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ

Марҳамат туманидаги «Маш-ал» жамоа ҳўжалиги аҳли умумхалқ баҳор байрами -- Наврўз арафасида тибийтнинг барча талабларига мос келадиган соф ичимлик сувдан истеъмол қила бошлайди.

қорлиги туфайли ҳўжаликнинг марказий қўргониде Германиядан келтирилган, сувни тозалайдиган замонавий ускунани ўрна-тиш ниҳоясига етди. У бир соатда артезиан қудуғидан чиқадиган 45 куб метр сувни обдон тозалаш, қўвурга юборди. Сув қувурдан оқиши учун босим билан таъминландиган минора қуришга ҳам ҳожаз йўқ, ускунаниннг ўзи сув энг олисадеги уйлارга етадиган даражада босим ҳосил қилади.

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун ҳар қимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди.

2-модда. Ахборот олиш кафолатлари

Ҳар бир фуқарога ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар қимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини давлат ҳимоя қилади.

3-модда. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари

Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошқоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиклиги ва тўғрилигини иборатлар.

4-модда. Ахборот олишнинг таъминлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар қимга ўзининг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиши лозим.

7-модда. Ахборот бериш ва унга ҳақ тўлаш

Мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотлар унинг сўрови бўйича текинга берилди.

8-модда. Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

9-модда. Ахборот олишнинг таъминлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

боротни беришлари шарт, ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

6-модда. Сўровнинг шакли ва уни қараб чиқиш муддати

Ахборот олишга доир сўров ёзма ёки оғзаки шаклда ифодаланиши мумкин.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, сўралаётган ахборотнинг номи ёки ҳуқуқияти кўрсатилади.

Ёзма сўровлар рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ахборот олишга доир сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши лозим.

Агар сўров тушган орган сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган кундан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг номини, имкониятга қараб, маълум қилиши шарт.

7-модда. Ахборот бериш ва унга ҳақ тўлаш

Мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотлар унинг сўрови бўйича текинга берилди.

Бошқа ахборотларни берганлик учун уларни беришга сарфланган харажатларни қоплаш мақсадида ҳақ олиниши мумкин, бундай ҳақ суммаси томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

8-модда. Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир.

Қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитасига юборилишини сўрайди.

Манзил: 700008, Тошкент шаҳри, Ҳукумат уйи.

Телефонлар: 39-82-54, 39-87-24.

нинг мазмунида давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сири ташкил этувчи маълумотлар мавжуд деб ҳисобласалар, бундай ахборотни беришни рад қиладилар.

Агар сўралаётган ахборотни бериш мумкин бўлмаса, мурожаат этувчига белгиланган муддатда, лекин сўров олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай сўров рад этилганлиги ҳақидаги асосли хабар жўнатилади.

9-модда. Ахборот манбаини ошқор этмаслик

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки муаллифнинг қимлигини уларнинг розилигисиз ошқор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллифнинг қимлиги суд қарори билангина ошқор этилиши мумкин.

10-модда. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг объективлигини текшириб қўришлари шарт ва улар ахборотнинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

11-модда. Судга шикоят қилиш

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

12-модда. Ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.



Давлатотбанд туманида тадбиркор ва ишбилармонларга кенг йўл очиб, уларга зарур шарт-шароитлар яратилганлиги боис аҳоли хизмат курсатиш тури ва сўрали аҳолининг, тўқтин маркази ва қишлоқлари тобора широй очмоқда.



Фирма аъзолари кучи билан бунёд этилган «Туркистон» дўконига аҳоли эҳтиёжга учун зарур бўлган барча нарса топилди. Дўконга 3 та автомобиль ажратилган бўлиб, республикамизнинг турли жойларидан зарур товарлар ўз вақтида келтириб турилади.

ҚОНУН ИЖРОСИ -- НАЗОРАТДА

Мамлакатимиз Конституциясининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умумийлик бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», дея белгилаб қўйилган. Ана шунга мувофиқ Ўзбекистон Парламенти томонидан «Табиий муҳофаза қилиш», «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар», «Ер», «Санитария назорати», «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Ер ости бойликлари», «Усимликлар карантини» ҳамда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунлар қабул қилинди. «Жиноят кодекси» га эса «Экология соҳасидаги жиноятлар», деб номланган янги боб киритилди. Ҳўш, уларнинг ижроси тегишли ташкилот, идоралар томонидан қандай бажарилмоқда? Мухбиримиз республика Олий суди раисининг ўринбосари Аминжон ИШМЕТОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

ҚАТЪИЯТСИЗЛИК

унинг оқибатида мамлакатимиз табиатига катта зарар етказилмоқда

ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб бораёпти.

-- Бунинг сабаблари борми? -- Ҳа. Бунга табиий муҳофаза қилиш идораларининг тарқоқлиги, тегишли вазирлик, идораларнинг табиат ресурсларига нисбатан ҳўжасизларча муносабати ҳамда айбдорларнинг ўз вақтида жавобгарликка тортилмаслиги каби ҳоллар сабаб бўлмоқда. Ҳатто, табиий муҳофаза қилиш тизими ходимлари орасида товламачилик, порахўрлик, мансабини суниётсизмол қилишдек кечириб бўлмас ҳолларга буткул барҳам берилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?...

-- Қуруқ гап оғиз йиртар... -- Тушунарли. Масалан, Навоий вилояти табиий муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи З. Очилловнинг вилоят овчилар жамаиети раиси М. Каракуллин ва муовини Р. Хамидуллиндан ўринча баллиқ овлаганлик фактини ширши эвазига пора олганлиги аниқланиб, содир этган жинояти учун беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қорақалпоғистон Республикаси табиий муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи У. Матқаримов эса давлат томонидан муҳофаза этиладиган 350 гектар майдонини хусусий шахсларга бериб юборганлиги учун айбдор, деб топилган.

Ишонасизми, ҳатто ушбу соҳа вакиллари ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш ҳоллари ҳам учра-

моқда. Сирдарё вилояти судининг ҳўқимига биноан К. Сучков деган қимса ундан баллиқ овлаш ҳўқуқини берувчи ҳўжжат бор-йўқлигини аниқламоқчи бўлган вилоят табиий муҳофаза қилиш инспекцияси ходими Н. Зақутиев ва Гулистон шаҳар ИИБ ходими Д. Қидирбаевларни қасддан ўлдирганини учун ўлим жазосига ҳўқм этилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Демак, атроф-муҳитни ҳимояси билан шуғулланувчи ходимларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳам чуқурроқ ўйлаб қўриш керак. Токи, улар ўз вазифаларини бажариш чоғида

тида табиий муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноят ва ҳўқуқбузарликларга қарши курашиш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Бу биринчидан, табиатга катта зарар етказган шахсларга нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган қўнғилчанлик бўлса, иккинчидан, судларнинг экология соҳасидаги ҳўқуқбузарликларнинг юзага келиши сабабларига ўз муносабатларини билдирмаётганлигидир. Тан олиш керак, судлар экология соҳасидаги бирорта иш бўйича ҳам жиноят сабабларини аниқлаш чораларини кўрмаган. Устига-устак, бундай ҳўқуқбузарликларга оид маъмурий ишларда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Ушбу туркумдаги ўрганиб чиқилган 74 та маъмурий ишларнинг барчасини ҳал этишда қонун талабларига тўла риоя қилинмаган. Ҳўқотар қўроллар билан ушланганлик ҳақидаги айрим материаллар бўйича ҳўқуқбузарларнинг руҳсатномалари текширилмаганлиги оқибатида уларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бор-йўқлиги аниқланмай қолган. Масалан, ёввойи ҳайвонларни овлаш билан шуғулланган келган О. Йўлдошев деган шахс Амурдёр тумани табиий муҳофаза қилиш инспекцияси ходимлари томонидан ушланиб, қурол ва ўқ-дорилари мусодара қилинган. Аммо мазкур туман суди унга фақатгина маъмурий чора қўриш билан чекланган, ҳолос. Баҳористон туман суди томонидан И. Лутфиев, Б. Қурбонов, Қ. Турсуннов ва Х. Холиёровларга тааллуқли маъмурий ишларни қўриб чиқишда ҳам ана шундай ҳато-ларга йўл қўйилган. Бундай ишларни ҳал этишда сансалорлик ҳоллари ҳам учраб турибди.

Республика Олий суди пленумида атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиш масаласи ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Уни ифлослантираётган, жиноят содир этаётган шахсларнинг қилмишларига табиат ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, судлар муросасиз муносабатда бўлишлари қайд этилди. Чунки у хоҳ оддий, хоҳ мансабдор шахс бўлсин, қатъий назар, ўзининг ҳаққоний жазосини олиши шарт. Бусиз табиат муҳофазасини тўла таъминлаб бўлмайди.

«Халқ сўзи» мухбири Фафур ШЕРМУҲАММАД суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЖАВОБИ

Анджон вилояти Избоскан тумани Охунбоев номидаги жамоа ҳўжалиги маркази Лугумбек қишлоғида истиқомат қилаётган ёш йигит Бахтиёр Раззоқовнинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди: мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов номига йўллаган мактубига жавоб олди.

Қишлоқда ўрта мактабни таъмирлаб олиш мақсадида тақсир олиб қайтган Бахтиёр ўз мактубида мустақиллик

МУАММОЛАР БАРҲАМ

ТОПАЯПТИ

Қирбай тумани пойтахтининг шундай ён бағрида жойлашган бўлиб, 150 минг аҳоли истиқомат қилади. Албатта шунча аҳолини иш билан банд қилиш, қолаверса, уларга табиий хизмат курсатиш, фарзандлари ўқиши учун шарт-шароит яратиш, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди.

Шунга қарамасдан туманда бу борада анча юмушлар қилинди. Масалан, ўтган йил битта шифохона, иккита мактаб қурилди, 8,5 километр тоза ичимлик суви, 40 километр масофада табиий газ қувурлар ўтказилди.

-- Айниқса, Байтўғрон қишлоғида қурилган профилактик вариялар гувоҳига-кувонч қўшиди. -- дейди туман ҳўқимининг ўринбосари Шободир Шобоев. -- Чунки андиликда ҳамма шароитга эга бўлган саломатлик масканида нафақахўрларимиз мириқиб дам олишди, саломатлиқларини тиклашди.

Бундан ташқари туман марказий шифохона турмухонаси қайта таъмирланди, унда она ва болалар бўлими ошди. Биринчи туман касалхонаси ярак хасталиги бўлими тўла қайта таъмирланди. У ерга замонавий таъмиш, даволаш ускуналари ўрнатилди.

Гулом ЮСУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИЗНЕС-МАРКАЗДАГИЛАР ҲАМ

ЎҚИШМОҚДА

Сирдарё вилоятида мулк савдоси ва қимматбаҳо қоғозлар бозорининг шаклланиши сўст бормоқда. Бунга иқтисодий омилилар ва оммавий хабардорлик ишларининг етарли эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Лекин, яна маълум бўлдики, хизматчиларнинг қасб ва малака тайёрларлиги етарли эмаслиги ҳам бозорнинг шаклланиши жараёнига салбий таъсир қўрсатар экан. Бунинг таътишининг йўли топилди.

Вилоятда сўнгги ойда бир неча бор семинар-ўқувлар ўтказилди. Уларда бизнес-марказ хизматчиларидан ташқари тадбиркорлик тузилмаларининг вакиллари ҳам ўз малакаларини оширишди. Яқинда чет эллик ҳамкорлар асосида ўтказилган халқаро семинар ана шу ўқувларнинг якуновчи қисми бўлди.

Семинарларда республика ва вилоят бизнес-маркази каби тузилмаларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислари машғулотлар ўтказиши ва маърузалар қилишди.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОРИЖДАН ХАВАРЛАР

ОҚ УЙ МАЪМУРИЯТИНИНГ ТАШАББУСИ

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон 1998 йил федерал бюджетидан қўшимча 528 миллион доллар ажратилишини сўраб мамлакат конгрессига мурожаат қилди.

Ушбу маблағ АҚШ маъмуриятининг «эркинлик йўлида ҳамкорлик» номли янги дастури асосида собиқ СССР ўрнида вужудга келган янги мустақил давлатларни қўллаб-қувватлашга сарфланади. АҚШ давлат котиби Маллен Олбрайт хоним Оқ уй маъмуриятининг мазкур ташаббусини изоҳлар экан, бу кўмак янги мустақил давлатларда бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши ва демократик тамойиллар шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

ҚУРИШ-ҚУРМАСЛИК МУЗОКАРА НАТИЖАСИГА БОҒЛИҚ

МОСКВА. Россия атом энергияси вазири ўринбосари Евгений Решетников Кубада атом электр станцияси қуриш бўйича ўтказилаётган Россия -- Куба музокаралари шу йилнинг охирида якунланиши мумкинлигини маълум қилди.

Борди-ю, музокаралар ижобий якунланса, Россия дастлаб Кубада битта реакторли АЭС қуради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қўра, АЭС 8 йилда сарф этилган харажатни қоплайди. Маълумки, бугунги кунда жаҳон бозорини биргина атом реакторининг нархи 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларини ташкил этади.



СУРАТДА: Бонндаги обидалардан бири.

ЭТНИ ТИРНОҚДАН АЖРАТИБ БЎЛМАГАНИДЕК

СЕУЛ. Жанубий Корея ҳўқумати халқаро ташкилотлардан расман таклиф олгандан сўнггина Шимолий Кореяга амалий кўмак бериши, яъни, озиқ-овқат ёрдами қўрсатишини маълум қилди.

Жумладан, Жанубий Корея Шимолий қўншинига халқаро озиқ-овқат дастури доирасида 100 минг тонна дон маҳсулотини, ЮНИСЕФ орқали эса 350 минг АҚШ доллари миқдорини дори-дармон юбориш истагини билдирди.

ПОРА ОЛГАНЛИҚДА АЙБЛАНЯПТИ

ПРАГА. Чехия парламенти аъзоси Отакар америкалик ишбилармондан пора олганлиқда айбланмоқда.

Маълум бўлишича, депутат Отакар республика Мудофаа вазирлигининг армия штабларини замонавий компьютерлар билан жиҳозлаш бўйича ёпиқ конкурда иштирок этаётган америкалик тадбиркорга ёрдам бериш учун ундан 35 минг АҚШ доллари миқдорини пора олган. Чехия Халфсизлик хизматида ушбу маълумотни АҚШ федерал қидирув бюроси топширган.


СУРАТДА: Бонндаги обидалардан бири.

УЧ ОЛИМГА БИР САВОЛ

Ўзбекистон шароитида деҳқончилик тараққиёт фаворонлик манбаи эканлиги — аниқ ҳақиқат. Иқтисодий ислохотнинг аввало қишлоқ хўжалигидан бошланганлиги ҳам зарурат. Негаки, Ўзбекистон иқтисодиётининг устивор тармоғи, мамлакатимизнинг жаҳон бозорига узига мос уринини эгаллашнинг таъминлайдиган соҳалардан бири пахтачиликдир. Чунинчи, республика халқ хўжалигининг 70 фоизига яқини технология жўртадан пахтачиликка боғлиқ. Айрим қорхоналар пахтачилик учун техника, уяғ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд бўлса, бошқалари пахта хомашёларини қайта ишлаш билан машғул.

Бироқ пахтачиликда ҳўт ишлашдан бери галлририлиб, Бақс юртилиб келинаётган бир муаммо у ҳам бўлса, пахта етиштириши тола бўйича режалаштиришга ўтқи масаласидир. Пахта экишдан мақсад тола етиштириш экан. Демак тонна эмас, тола учун жон қўйилганса, республиканинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилинган бўларди.

«Уч олимга бир савол» рубрики остида босилаётган бугунги мақолалар ана шу мавзудади. Саволимизга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Остон Жалилов, биология фанлари номзоди Саидгани Набиев, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ренат Назаров жавоб берадилар.



Остон ЖАЛИЛОВ:

— Кўндан бери айтиб келинаётган бўлса-да, саволингизнинг ўта долзарб эканлигини ҳисобга олиб, яна бир такрорлай -- Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашда пахтанинг ўрни алоҳида. Демак, пахтамиз қанча кўп бўлса, иқтисодимиз шунча мустаҳкам бўлади. Бироқ пахта майдонини кенгайтириш -- тўғри йўл эмас. Зеро, галла мустақиллигига эришамиз, деган эзгу ниятимиз ҳам бор. Кўриниб турибдики, ички имкониятларни излаб топилган ўзга чора йўқ. Хўш, бизда ички имкониятлар борми ўзи? Бор, албатта. Ва улар оз эмас. Чунинчи, бу фўзанинг кўпроқ серхосил ва тезишар навларини танлаб, оммавий экиш. Иккинчидан, ҳосилдорликни бутун чоралар билан ошириш. Бироқ бу икки омилдан бошқа яна бир муҳим имконият яъни кўп тола берадиган навларни омаллаштириш масаласи борки, афсус, шу пайтгача у тола ишга солинмай келинапти. Маълумки, давлатимизнинг асосий валюта манбаи пахтанинг тоннаси эмас, толасидир. Шунинг учун жаҳондаги пахта экадиган давлатларнинг ҳаммаси аллақачондан бери тонна билан эмас, тола билан гаплашишга ўтган. Асосий мезон -- ҳар гектар ердан иложи борича кўпроқ тола олиш, унинг майинлиги узунлиги ва пишқилги.

Фўза селекциyasi ва уруғчилиги тараққий этган мамлакатларда ҳар гектар майдондан 11-12 центнердан, айрим давлатларда эса ҳатто, 14-17 центнердан пахта толаси олинмоқда (бизнинг айрим хўжаликлар эса уялмай-нетмай, шунча пахта хомашёси оляпти).

Ўзбекистонда гектаридан тола олиш кейинги ўн йиллар давомида 7-8 центнер атрофида бўлапти. Қаранг, агар биз республикада олинаётган толани фақат бир фоизгагина кўпайтирсак, ҳозир экилаётган ерлардан қўшимча 40 минг тонна тола олган бўлардик. Бу 18-20 минг гектар суғориладиган ерни пахтадан бошқа экинларга бўшатиб бериш мумкин деган гапдир. Борди-ю, гектарларнинг тола ҳисобидаги ҳосилдорлигини Хитой, Ҳиндистон, Америка, Покистон, Исроил каби давлатлардагига етказасан-чи? Нима, бунинг иложи йўқми? Бор албатта. Ақл-заковатли олимларимизнинг кашфиётлари дунёни лол қолдириб келган ва ҳозир ҳам шундай. Давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий салоҳияти бутун жаҳонда тан олинапти. Бизнинг пахтачилик соҳасида эски усулдан кечмаётганлигимиз, тола ўлчовига ўтишни пайсалга солаётганимиз қимматга тушапти. Яъни йилга 180-200 минг тонна пахта толасидан бекорга маҳрум бўлаёмиз. Бу -- бир йилда. Беш йилда-чи? Ун йилда-чи? Бу жуда катта йўқотиш эмасми? Бизнинг тизроқ тола ўлчовига ўтишимиз нафақат пахтачиликни, балки бутун қишлоқ хўжалик тармоғининг тараққиётига кучли ижобий таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

Фўзанинг серхосил, эртапишар, ҳосилни кечи билан 15-20 октябргача йиғиштириб олиш мумкин бўлган, шунингдек, вильт ва бошқа касалликларга бардошли навларини минтақаларнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос агротехникасини ишлаб чиқиб, кўплаб экинши йўлга қўйиш ҳам толаннинг кўпайишига олиб келади ва бинобарин, тола ўлчовига ўтишни тезлаштиради.



ТОННАМИ ЁКИ ТОЛА?

Ҳосилдорликнинг ошиши ва тола чиқишининг кўпайишида уруғлик чигининг сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ афсуски, бизда уруғчиликнинг аҳоли тобора ёмонлашмоқда. Элита уруғчилиги хўжаликларини тузиш ҳеч қандай таъминланса, бу ҳам қизиктирмайди. Холбуки, уларни ташкил этиш ҳеч қандай таъминланса, бу ҳам қизиктирмайди. Холбуки, уларни ташкил этиш ҳеч қандай таъминланса, бу ҳам қизиктирмайди.

Навни танлаб билишдан ташқари фўза, беда, галла, шунингдек, дуккакли, сабзавот-полиз ва озуқа экинларини муттасил алмашлаб экиш ҳам толаннинг кўпайиши ва сифатли бўлишига хизмат қилади. Аниқ йўлга қўйилган алмашлаб экиш шарофати билан галла, сабзавот-полиз маҳсулотлари ҳам кўпаяди ва айниқса, озуқа базаси жонлиниши боис қорвачилик ҳам табиий ривожлана бошлайди.

Яна бир муҳим гап. Биз юқорида баён этган барча тақлифларни амалга оширишда тупроқнинг табиий унумдорлигини, албатта, эътиборга олиш зарур. Чунки қайси экин қандай тупроқда юқори ва

сифатли ҳосил беришини аниқламай туриб, уларни экишдан наф йўқ. Шунинг учун бутун республика тупроғининг бўлганига аҳолини минтақа, вилоят, туман ва керак бўлса, ҳар бир хўжалик бўйича ўрганиб, бонитет балларини аниқлаш ва шу асосда ер кадастрини тузиш лозим. Ана шунда пахта етиштириши тола бўйича режалаштириш омили қўтилган самарани беради.

Саидгани НАБИЕВ:
— Қўйилган саволга илмий, яъни фан тили билан шундай жавоб бериш мумкин: «фўза экинни асосан толаси учун экилади» ёки «пахта асосан толасини олиш учун етиштирилади». Шу нуқтаи назардан қараганда пахтачиликда хомашё тоннаси эмас, тола чиқиши асосий мақсад бўлиши ҳар томонлама мантлики. Зеро, жаҳон бозорига чиқадиган мол ҳам -- тола.

Энди бунинг асосий фойдали жиҳатларини кўриб чиқайлик. Биринчидан, айрим раҳбарларнинг юқорида яъни қўришиш учун «режани муддатидан илгарии» бажарганлик тўғрисида рапорт бериш ёки маълумот жўнатишларига ҳожат қолмайди. Иккинчидан, хўжаликлар билан пахта тозалаш ва қайта ишлаш

корхоналари ўртасидаги ҳар хил суиистеъмолчиликлар, қўшиб ёзишлар барҳам топади. Учинчидан, селекциячи олимлар ўртасида кўп ва сифатли тола берадиган фўза навларини яратиш ҳаракати бошланади. Деҳқонларда эса ҳозиргидек, дуч келганини ёки тоннани кўпайтириб, режани уйдлаш учун фўзанинг фақат серхосил эмас, балки сертола навини танлаб экишдан манфаатдорлик кучаяди. Туртинчидан, тола кўпайиши ҳисобида суғориладиган ерларни режа, бошқа зарур экинлар майдонини кенгайтириш имкони тугилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов ўзининг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» китобида таъкидлаганидек, мамлакатимизга 38-42 фоиз тола берадиган фўза навлари жуда зарур. Бизда шунга яқинроқ миқдорда тола берадиган навлар яратилган. Лекин афсуски, Остон Жалилович айтганларидек, бу нав фўзалар нима учундир оммавий экилмаяпти. Ҳозир мамлакатнинг асосий пахта майдонларида экиб келинаётган навлар берадиган тола миқдори жаҳондаги бошқа пахта етиштирадиган давлатлардаги навларга нисба-

тан анча паст. Фикримизнинг исботи учун Хитой мамлакатига одат қилинган тартибни келтираймиз. 40 фоиздан кам тола чиқадиган фўза нави кенг майдонларда оммавий экиш у ёрда турсин, ҳатто, давлат нав синаш далаларига экиш учун ҳам қабул қилинмас экан. Мана буни ватан-парварлик деса бўлади. Негаки, пахтачилик сермашаққат, серҳаражат тармоқ. Бинобарин, пировард натижа -- даромад ҳам шунга яраша бўлиши керак. Асосий ўлчов тола бўлганлиги ва у 40 фоиздан юқори бўлиши шарт қилиб суиистеъмолчиликларга йўл қолдирмайди. Яъни ҳар бир селекциячи олим ўзи яратган навининг сифат кўрсаткичларидан қатъий назар, зўр бериб тиштириш ва қандай бўлмасин омаллаштиришга эришишга уринишга ҳожат қолмайди.

Ҳар мавсум йил бошидаёқ мамлакат эҳтиёжи учун ва хорижга қанча тола экспорт қилинишини ҳисоблаб чиқиб, хўжаликларга ер майдонига қараб, тола ҳисобида аниқ бюуртма берилиши зарур. Ана шунда ҳар бир хўжаликда фақат юқори тола берадиган навларни топиб экиш эҳтиёжи ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Масалан, биз пахтакорларга фўзанинг «Юлдуз» навини дадил тавсия қилишимиз мумкин. Агар агротехикасига риоя этиб парвариш қилинса, 35 центнердан ошириб ҳосил ва 40 фоизгача тола беради. Бу тола ниҳоятда оқ бўлгани учун Ливерпуль биржасида юқори баҳоланган. «Юлдуз»нинг катта иқтисодий самара бериши амалда исботланган. Чунинчи, Қашқадарё вилоятининг бир неча йиллардан бери шу навини экиб келаётган Фўзор, Қарши, Қамаш, Яқабоб туманлари хўжаликлари режани сентябрдаёқ бажариб, ҳосилни октябрдан кечиктирмай тола йиғиштириб олмақдалар.

Кўриниб турибдики, «тонна»дан воз кечиб «тола»га ўтсак, пахта етиштириш ва ҳосилдорликни белгилашда шу тартибни қўлласак, тола ҳосилдорлигини гектарига 9,5-10 центнерга етказиш имкониятига ҳозирдан оқ эгамиз. Ана шунда республикада пахта экиладиган жами 1.300.000 гектар майдондан йилга 1.235-1.300 минг тонна тола олинади. Бунинг учун барча вилоят, туман ва хўжаликларнинг раҳбарларини «Юлдуз», «Мехр», «АН-415», «Наманган-77», «С-6532» каби сертола фўза навларини экишга рағбатлантириш мақсадида пахтачиликдаги асосий кўрсаткиччи ялли тоннадан тола ҳисобига тизроқ ўтиш зарур.

Ренат НАЗАРОВ:
— Биз эндигина кўтарётган ушбу масала аслида, аллақачон ўз ечимини топиши лозим бўлган жиддий муаммолардан бири эди. Бу муаммонинг ижобий ҳал этилиши ҳам пахтакорларга, ҳам давлатга каттагина иқтисодий самара келтиради. Лекин шунга қарамай, нима учундир ўз ечимини топмапти. Холбуки, кейинги пайтларда пахта-

чиликни ривожлантиришга оид бундан ҳам жиддийроқ масалалар осонгина ҳал этилмоқда. Бу ўринда мен плёнка остига чигит экиш услини назарда тутаялман. Ҳақиқатан ҳам бу янгилик баъзилар ҳали тушуниб етишга улгурмасидан бурун жорий этила бошланди. Ёки чет эл ҳайдов тракторлари ва ўрим-йиғим комбайнларини олайлик. Улар ҳам ўзимизнинг шу русумдаги техникаларимизга нисбатан самарадорликда анча устун. Бунинг оддий деҳқон ва мутахассисларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар. Лекин булардан-да, муҳим аҳамиятга эга бўлган тола кўрсаткичига ўлиш муаммоси ҳамон ҳал бўлмапти.

Шу ўринда мавзудан бироз четлашиб бўлса-да, плёнка остига чигит экиш хусусида шахсий фикримни баён этмоқчи эдим. Негаки, бу усулни республикага кенг ёйиш масаласига обдон ўйлаб, табақалаштирилган тарзда ёндошиш лозим кўринади. У аввалги тузум даврида бўлганидек, навбатдаги сиёсий компанияга айланиб қолмай, мустаҳкам иқтисодий негизга асосланмоғи керак. Зеро, бу янгиликка пахтачилик соҳасида йиғилиб қолган ҳамма муаммоларни бир йўла ечиб берадиган ягона восита сифатида қараш хатоликдир.

Назаримда тола ўлчамига қанча тез ўтилса, шунча яхши. Чунки пахта хомашёсини толага айлантириш жараёнидаги ҳисоб-китоблардаги «чалкашлик»лар дарҳол барҳам топади.

Бошқа муқобил йўл йўқ. Бинобарин, биз хоҳлаймизми, йўқми, барбир шў усулга ўтамиз. Ҳамон шундай экан, жаҳон андозасига тизроқ ўтганимиз маъқул.

«Халқ сўзи»нинг қишлоқ хўжалик мажмуи бўйича шарҳловчиси А. ЙЎЛДОШЕВ босишга тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН -- ФРАНЦИЯ

«ОНА ГОЗ ЭРТАКЛАРИ»

Француз адиби Шарль Перронинг шу номдаги китоби жажжи китобхоналаримизга тақдим этилди

Франция ҳам Ўзбекистон каби қадим тарихга эга. Бу икки мамлакатнинг маданият-матрифий алоқалари ҳавас қилса, аризуликдир.

Улуғ соҳибқирон Амр Темур Франция қироли Шарль VI билан дипломатик ёнанималар олиб борган. XVI асрдаёқ Алишер Навоий ва Заҳриддин Мухаммад Бобур ноҳидан француз шеърхоналари баҳраманд бўлган.

Хусусан, мустақилликдан кейин икки мамлакат ўртасидаги маънавий-матрифий ҳамдустлик янада чуқур илдиз отди. Францияда бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз илмий-маънавий мероси катта қизиқиш ва муҳаббат билан ўрганиб келинмоқда. Айниқса, Темурчилар ва Бобурилар ҳаёти, уларнинг тарихий ишлари ва мерос қолдирган асарларига эҳтиром кечкис. «Темур тузуклари» француз халқининг маънавий жавоҳирига айланган. Француз олимаси Аниа Стилъ эса халқимизнинг улуғ фарзанди Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳақида «Бобурхон» романини яратган. 1993 йили Лувр Олий мактабининг профессори Жан-Пол Рунинг «Темур» китоби Парижда чоп этилди. Яқинда эса машҳур «Галлимар» нашриёти Тубданбегимнинг «Хумоюннома» тарихий асарини француз тилида нашрдан чиқарди.

Француз шарқшуносларининг халқимиз тарихи ва маданиятини ўрганиш борасидаги хизматлари, ҳақиқатан



ушбу таройиб воқеаларни эрталар деб атайдилар.

Сизга тақдим қилинаётган мазкур тўплам француз тендошларинингизга ота-оналари ҳикоя қилиб берадиган эрталарни ўз ичига олган. Уларни роса уч юз йил илгари ёзувчи Шарль Перро тўплаб, китоб ҳолида нашр эттирган... Шарль Перро тўплаган ушбу эрталар ўзбек болаларига манзур бўлади, деб умид қиламан.

«Она гоз эртаклари»ни таржумон Шоаим Миноваров она тилимизга утирган. Лайло ва Феруза Башировалар уни болаларбоп расмлар билан безатган. Китобни «Шарк» нашриёт-матбаа концерни нашрдан чиқарган.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчисини Жан-Клод Ришар кўни кеча ушбу китобни илқи сузлар битилган дастхат билан юртбошимиз Ислоом Каримовга тақдим этди.

«Ўзим сўзибман» эган китобнинг икки нусхасини Сизга юбораётганимдан тортда бахтиёрман, -- деб ёзади ушбу китобга илова қилинган мактубда элчи жаноблари. -- Ва буни Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар негизиданги янги сажифа деб ҳисоблайман».

Ҳеч шубҳа йўқки, Шарль Перронинг «Она гоз эртаклари» мамлакатимиз болаларининг севишли китобига айланади, уларнинг тасаввур дунёси бойишига, франциялик тендошларининг маънавий оламнинг идрок этишларига, умуман олганда, дустликнинг кучайишига хизмат қилади. Зеро, китобдаги ақунловчи эрталар айтилганлидек:

Чин муҳаббатта соф туйғу ҳамкор...

F. ХОТАМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети
Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юр்தларининг олим ва мутахассисларига
Янги Мустақил давлатлар олимлари билан Европа ҳамжамияти олимларининг ҳамкорлигига кўмаклашиш
Халқор Асоциацияси (INTAS),
ҳамкорликда бажариладиган
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ЛОЙИХАЛАРИГА ТАНЛОВ
ЭЪЛОН ҚИЛГАНЛИГИНИ
маълум қилади.

Танлов барча аниқ ва табиий фанлар, иқтисодиёт, гуманитар ва ижтимоий фан соҳаларини қамраб олади.

Тақлифларни тақдим этиш шартлари:

- **лойиҳада ками билан тўрт гуруҳ тадқиқотчилар иштирок этиши керак. Иштирокчиларнинг икки гуруҳи Янги Мустақил давлатлардан (ЯМД), иккитаси INTASга авзо бошқа давлатлардан (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Олмония, Греция, Дания, Исроил, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция, Швейцария) бўлиши шарт;**
- **лойиҳа икки йилдан ўз йилгача мўлжалланган бўлиши мумкин; INTAS томонидан молиявий таъминот 60 000 ECU (1,0 ECU = 1,3 USD); 80 фоиз молиявий таъминот ЯМДлар томонидан берилиши керак.**

Тақлифларни тақдим этишининг сўнгги муддати 1997 йил 2 апрель.

Ахборотлар пакети (умумий ахборот, ариза-анкета ва уни тўлдириш бўйича кўрсатма)ни олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиши керак:

INTERNET (World Wide Web)
CORDIS (http://www.cordis.lu/intas/home.html)
INTAS (http://www.ib.be/intas)

Езма сўрвонга (хат, факс ёки электрон почта) биноан почта орқали нусхаларни олиш мумкин

INTAS (58 Avenue des Arts, Bte 8, B-1000 Brussels, Belgium, факс: +32-2-549.01.56, электрон почта: call96@intas.be).
Тулиқ маълумотни ЎзР ФТДК 39-18-30 дан олиш мумкин. Телефон:

ШУ КУННИНГ МАВЗУСИДА

Камолот босқичидаги ҳозирги авлод қайсидир маънода тарихимиз, ота-бобларимиз замони олдига мулзамимиз. Негаки, ўқув дастурларида қатъий белгилаб қўйилган талаблар таъйинига бўйсуниб, «Урта Осиёда яшаётган аҳолининг 99 фоизи саводсиз бўлган ва бу маърифатсизликдан қутулиш учун, бир рус олимининг ҳисоб-китобига кўра, 4 минг йил керак эди», «вахший тўдалардан иборат бўлган босмачилар халқнинг эрки ва озодлигига қарши курашдилар», «инқилоб тўғрисидаги ўзбек хотин-қизлари асрий зулмлардан халос бўлдилар» сингари сафсаталарни тинимсиз такрорлаб, бутунлай файримиллий руҳда улғайдик.

Албатта, тарих галадониди турли кўринишдаги воқеалар учраши табиий ҳол. Гап бунда эмас. Юқорида қайд этилган ҳолатлар тарихийликнинг қайсидир босқичида маълум ҳалқ тарихида кечини ҳам мумкин бўлган ҳолат (ҳозирги шароитда ҳам ялпи саводсиз қабилилар учрайди; баъзи каллакасар тўдалар шакланган ҳолда қирғинлар уюштиргани ҳам бор гап ёки жамиятдаги силкинилар аҳолининг маълум қатлами ҳаётида жиддий ўзгаришлар ясаши мумкин). Алам қилдигани шундаки, қора бўёқ чапланган ёки сунъий равишда ижобий баҳоланган ҳолатлар ўзбек халқи тарихига, бой ўтмишига, миллий ўзгичига отилган тош, гирт уйдирма ва тухмат эди. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи, жуда аянчли жиҳати шундаки, бундай гайриқатъий воқеалар тарихий ҳақиқат сифатида тақдими этилиши шу халқнинг бутун ўтмишини ҳам рад этар, ҳеч бўлмаганда қора соя ташлаб турарди. «Инсон энг олий даражадаги тарихий мавзудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мўжасамдир», деб ёзганди филолусуф Николай Бердяев. Алоҳида бир даврни, демак, шу даврда яшаган инсонлар ҳаётини баҳолашда келтирилган далиллар умумий сиқилага зид келганда, ёқ ўтмишдан, ёки ўша хуллардан воз кечишга тўғри келади, билмак, даврниг инсонда ёки, ақинча, инсоннинг даврда воқе бўлиш эволюцияси бузилади. Бунинг олдид қилиб тушунтирилади, неча минг йил кўёшта бую қўёш ўстан дарахт бирданга паста қараб шох чикара бошлаганига ўхшайди, яъни бис ёллуб олган сафсаталар сарт бўлса, одамлот маънавий оламда қўққи бўлиб турган беш нафар (нисбий ўлов) қомуний олам, мистемалик, табиб, саркарла-давлат арбоби, астроном, шокирлардан бири бўлган Беруний, Хоразмий, ибн Сино, Амир Темур, Улугбек, Навоий каби боболаримиз биз, ўзбек халқига бегона (астафурдулло) бўлиши керак эди.

Қисмат 130 йил давомида бизнинг эътиқодимизни болга ва сандон орасига олиб сиқаб келди: нурафшон мошиндан воз кечиш, сохта

Осиё ўз ихтиёри билан Россияга қўшилган эмиш. Халқбуки, бу «қўшилиш» Пётр давридан бошланган ва изчил давом этиб келган қонли режаси бўлганлиги энди ишоналмиз. Ҳатто Орол денгизининг аср сўнгига келиб қуриши ҳам ўша режанинг бир қисми бўлмаганига ким қарайди? Тарихий манбаларда дастлабки рус експанзияси даврида шаҳарлар, сугорилиш тармоқлари, қазилма бойликлар ҳақидаги маълумотлар билан бирга... қабристонлардаги эски олам суяклари ҳам олиб кетилганлиги қайд этилган. Суяклар қайсидир илмий лабораторияларда ўрганилиб, «бу халқнинг генофонди (наслини) қандай қилиб бузиш мумкин»лиги ҳақида табииятлар ишлаб чиқилган. Пахта монополиясининг жорий этилиши, ерларнинг азотли ўғитларга тўйриллиши, осмондан бутифоус метилколпосларнинг

даврда халқнинг ўзлигини топа олганида, миллий урф-одат ва анъаналар буй-басти билан намоён бўлаётганлиги қўриш мумкин. Ғарб тарихчилари эътироф этганларидек, «мустамлақачилар ўз тартибларини жорий этиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилар, маҳаллий аҳоли эса ўз йўлида яшарди. Ўзбекистонда социализмни умуман қабул қилмаган худудлар кўп бўлган». Демак, хоҳ Кўқон мухториятига баҳо беришда, хоҳ «босмачилар» номи остидаги миллий озодлик ҳаракатларини таҳлил қилишда халқнинг энгилмас руҳини, барҳаёт анъаналарга солиқлигини таянч нуқталардан бири қилиб олишга тўғри келади. Олайлик, миллий озодлик ҳаракатлари («босмачилик») Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча ҳам давом этиб тургани, бу жиҳод қатнашчилари ўз ихтиёрлари билан фашизмга қарши курашга йўл олгани ҳам эътиборли далил. Шунингдек, «босмачилик»нинг ўзига аниқлик киритиш, бу ҳаракатнинг обрўсига доғ туширишдан ҳар қандай талончи тўдаларни чалқаштирмалик каби илмий ҳолислик таъомийли яратилмак уч китобнинг олтин мезони бўлади. Зеро, ҳар қандай маълумотни тасдиқлаш ва инкор этиш чигиринидан ўтказиб, тарихий ҳақиқатга эришилши амалиётдаги олий ҳол. Негаки, тарих ҳақиқати ягона, у барча нуқталардан қараганда ҳам, бир хил кўринади.

ЯНГИ ЗАМОН -- ЯНГИ ТАРИХ

ақидаларга сажда қилиш. Ана шу тарихи гардун тегирмониди қанчалаб азиз бошлар эзилгани бутун ҳаммамизга маълум. Шубҳасиз, кўёшни ҳеч вақт ой ўрнида тақдим қилиб бўлмаганидек, ўтмишни тушунтиришдаги бундай чалқашликлар бартараф этилиши, маълум тарихий ёлгоннинг астарини агаррилиб, афкор оммага рост гап -- ҳақиқат айтилиши керак эди. Ана шундай кечиктириб бўлмайдиган, айна пайтада доллар вазифани бажаришига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори билан йўл очилди. Қарорда халқимиз ҳаётидаги зиддиятларга тўла XIX асрнинг ўрталаридан мустақил Ўзбекистон давлати дунё харитасида пайдо бўлган қунарларча ўтган тарихий босқичлар ва ўзгаришларни тўла қамраб олишга эътибор бериш алоҳида таъкидланган. Даврниг ибтидоси ягона давлатнинг уч хонлиққа парчаланиб кетиши ва рус эътилосининг бошлиниши билан белгиланади. Шу ўрнида яна назаримиз бир улкан ёлгонга тушади: Урта

сепилиши ана шу «таъсия»ларнинг бир қисми бўлганига шубҳа йўқ. Булар энг олдиди далиллар. Шуларни қайд этиб туриб, қўнгиладан бир гап кечад: «тарихини билган халқ -- уйқодир» деб бекора айтишмайди. Тарихини билиш фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, бутуннинг қадрига етиш; келажакни асраб-авайлаш учун ҳам зарур. Шу маънода, янги тарихнинг яратилиши халқимиз маънавиятида улкан ҳодисадир. Тарихимизда чалқаш тақдими қилинган ва ўз ҳақиқий баҳосини олманган воқеалар жуда кўп. Айниқса, йўқсиллар доҳийси Владимир Ленин бошчилигидаги октябр тўнтрашидан кейинги оластар босқинлар мамлакатимиз ҳаётини остин-устун қилиб ташлади. Шундан кейинги 70 йилдан кўпроқ даврда қизил империянинг турли найранларни ҳамма нарсани ялангосқлар мафқураси асосида тақдими қилди. Тоталитар тузум сиёсатини гулзорга оралаб қолган туғининг хатти-ҳаракатига қисқалаш мумкин: масжидлар бузилди, китоблар ёқилди, зийлилар қирилди. Лекин барибир одамлар эътиқодини қалбиди асради, уни балолардан олиб ўтди. Бу ҳоли миллий истиқлол йилларида, қисқа

Қарорда республикамиздаги уч йилги архивда сақланаётган тарихий ҳужжатлардан фойдаланишга имконият яратилиши қайд қилинган. Архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг кўп қисми турли сабаблар билан истифода этилмаи келинганини ҳисобга олсақ, бу юмуш ўқилмаган кўплаб саҳифаларни ошкор этиши, баъзи чалқашликларга аниқлик киритиши маълум бўлади. Ҳатто бу боралда хориждаги манбалардан фойдаланиш учун ҳам шарт-шароитлар ҳозирланади. Албатта, бундай эътибор катта ишларга қанот беради. Айни пайтада «Ўзбекистон янги тарихини» тайёрлаш юзасидан республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида марказ тўзилган ва етакчи олимлар жалб этилган. Марказ изчил фаолият олиб борапти. Дастлабки хулосалар эса бу хайрли юмуш муваффақиятли уддланишидан далилат бермоқда. Зеро, тарихий ҳақиқатни тиклаш буюк келажак олдиди бурчимиздир.

ҲАҚИМ САТТОРОВ.



Тошкент шаҳридаги мактабларнинг юқори синф ўқувчилари қишки таътил пайти Англиянинг халқроқ тиллар мактаблари — Хэрроу Хауз, Лондон Хаудда ўқиб қайтишди. СУРАТДА: бир гуруҳ ўқувчилар.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.

Ранг-баранг олам

ЭНГ ҚИММАТ ЛИБОС

Италиянинг Милан шаҳридаги моделлар уйида дунёдаги энг қиммат келинлик либоси тикилди. Унинг нархи 1,5 миллион АҚШ долларига тенг.

Қизғин шундаки, бу ерда баъзи қимомиди савдоларидаги каби баҳони сунъий равишда кўтариш таърибаси қўлангани йўқ. Либос ҳақиқатан ҳам жуда қиммат саналади. Чунки у... плагина тозаларидан тикилган. Моделлар уйи ходимларининг айтишича, қўйлакни тикиш учун 10 ой вақт сарфланади. Дастлаб ҳар бир грамм платинадан 1000 метрдан зиёд узунликда «ил» йиғирилан, сўнгра ундан «мат» тўқилган. Маъкур либосга Япониянинг йирик сановат корпорацияларидан бири бурюта беради экан. Бирд, моделлар уйи ходимлари маъкур корпорация номини сир тутишмоқда.

«ХАР ЁМОННИНГ БИР...»

Спиртли ичимликларнинг зараридан ташқари фойдаси ҳам бўлар экан.

Ҳар ҳолда Американинг «Сиркулейш» деб номланган кардиоололар уюмаси аэзолари ана шундай ҳулосага келишди. Маъкур табиалар эъон қилган муурожаатномада шундай дейилади: «агар кунча бир-икки пилла спиртли ичимлик ичадиган бўлсангиз, юриш-туришингизга зиён етмайди. Ақинча, танангизда холестерин кўпайиб, қон айланishi анча энгиллашади. Қоннинг бир маромда айланishi эса, ўз-ўзидан маълумки, соғлигинизи мустаҳкамлайди».

Муурожаат бўлишига кардиоололар ушбу «анецикл» фақат ичувчиларга таълолуқ эканини таъкидлаб, бошқаларга ичishi бошламай кўяверишич ҳам маслаҳат беради.

Ё КАМИЛЛА, Ё ТАХТ

Уэлс шаҳзодаси Чарлз ва «Леви Ди» номини олган Диананинг ажралишига сабаб бўлган Камилла Паркер-Боулз оқуиси ҳеч қачон рўёбга чиқмайдиганга ўхшайди.

Чарлз билан ҳуфна учрашиб, сўнгра бир неча бор Диананинг қўлига тушган Камилла, Уэлс шаҳзодаси рафиқасидан ажрашган, унга турмушга чиқмоқчи эди. Бунга Чарлз ҳам тайёр эди. Бироқ, қиролча Елизавета -- II ва «Леви Ди»га ҳаддан зиёд меҳр қўйган британияликлар Чарлздан ё Камилла-ни танлашини ёки тахтдан воз кечишини талаб қилишди. На-тижада шаҳзоданинг тахтни кўпроқ севиши аён бўлди.

МУЗЛАТГИЧНИ КИМ ЯРАТГАН?

Нисбийлик назарияси ва замонавий физика фанларининг асосчиси бўлмиш Алберт Эйнштейн ҳам музлатгични ҳам кашф этган экан.

У 1925 йилда ядро реакторини яратган олимлардан бири Лео Сцилард билан ҳамкорликда дунёдаги биринчи музлатгични ясаган. Бу «антика машина»ни кўрганларнинг гувоҳлик беришича, у «оч бурдидай уеиллаб» ишлаган, лекин шунга қарамай, Германиянинг электротехника жаҳозлари ишлаб чиқарувчи концернларидан бири қашфетни 12 минг марказга сотиб олган эди. Афуеки, музлатгичнинг дастлабки намунаси ниҳоятда шовқан билан ишлагани тўғрисида кўп миқдорда ишлаб чиқариламаган.

ТАШКИЛОТ ТАВСИЯ ЭТАДИ: АУДИО ВА ВИДЕОТЕХНИКА: 1. "DAEWOO" видеокилик 2. "DAEWOO" советтик 3. "DAEWOO" аудиомагнитофон 4. "DAEWOO" автомагнитола 5. Автомагнитола учун колонка 6. M-3500 "Panasonic" видеокамераси ОРГТЕХНИКА ВА ХАЛҚ ИСТЕМОЛ МОЛЛАРИ: 1. 486Х2-66\4\850\0,28 принтерли компьютери 2. "Сано" PC-320\300 ксерокси 3. "Panasonic" КХ-130, "DAEWOO" телефакси 4. VEF 611, "DAEWOO" телефон апаратлари 5. Ксерокслар учун тонер порошогги 6. "Olivetti" азуа машинкаси 7. Азуа машинкалари учун картридж 8. Калькуляторлар 9. СТ-180 аккумулятори 10. Алюминий оқуиси

ФИРМА компания -- юк автомобиллари учун АВТОШИНАЛАР -- шарқона КАЛИШЛАР -- пардоз учун крем, соч бўёги, тиш пастаси ва пиво (Болгария маҳсулотлари) Тўлов шакли -- турлича Нархи сизга маъқул келади деб ўйлаймиз.

ТАШКИЛОТ руҳ аралаш пўлатдан тайёрланган ПРОФНАСТІЛ (ТУШАМА-ТУНУКА) СОТАДИ ҚАЛИНЛИГИ - 0,7-0,8 мм. НОВА(ГОФРА)БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм. УСУНЛИГИ - ХАРИДОР ХОҲИШИ БУЙИЧА. Нархи бозор баҳосидан анча арзон.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси раҳбарлиги, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курунчилари касба уюмаси ва бошқарманинг марказий аппарат жаммаси компаниянинг ҳодимлар хизмати бошлиғи О. С. Йўдош-нисла отаси. Мамиялжк ЙўдошшЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур тазия билдирилади.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС Бардан ва татак бўлишигиз учун Шаҳар дориконаларидан сўранг

Тошкент вилояти Зангиота тумани «Тўлаган» жамоа-фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясини хорижий мамлакатларга эшиттиришлар дирекцияси маслаҳатчи-муҳаррир Топшўлат Наметова отаси Икром НАМЕТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур тазия билдирилади.

БЎЛИМИЛАР: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўсаласи 36-07-94; Иқтисодийет 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туни муҳарририет 33-10-28; Девонлар 36-09-25, Вахшёр-33-10-60

Ўзтадбиркорбанк Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Сиз сармоянгизни яхши, даромадли шартларда жойлаштиришни истасангиз, мамлакатимиздаги тадбиркор ва ишбилармонларнинг ишончли банки - ТАДБИРКОРБАНК акцияларини сотиб олинг! Акция баҳоси - 100 сўм. Акцияларни Тадбиркорбанкнинг барча бўлимларидан сотиб олишингиз мумкин. Маълумот учун қуйидаги манзилга муурожаат қилинг: 700047, Тошкент ш., Содиқ Азимов кўчаси, 52"А"-уй. Телефонлар: (3712) 36-28-12, 36-28-23. Факс: (3712) 33-83-21. Жаноблар, ажойиб имкониятни қўлдан бой берманг!

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.